

# ЯНГИ

# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 255 (1316), 2024 йил 17 декабрь, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



## АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 декабрь куни банклар иштирокида маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадли қилишга қаратилган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Сўнгги йилларда банклар фаолияти маҳалла-гача туширилгани ўз натижасини беряпти. Хусусан, Наманган вилояти Уйчи туманида банклар 3 минг 200 та фаол миқоз билан ишлаб, уларга ёрдам бергани учун 9 минг одам доимий ишга бўлди. Камбағаллар сони 6 мингга камайди.

Сирдарё вилояти Сайхунбод туманидаги 3 минг 200 та хонадонда лойиҳалар ишга туширилди, 12 минг одам ўз томоғасида даромад топишни ўрганди.

Жиззах вилояти Зарбдор туманида 13 минг 500, Бухоро вилояти Ёғдудов туманида 28 минг иш ўрни яратилди. Буларнинг ҳисобига қўшимча 10 мингдан зиёд аҳоли камбағалликдан чиқарилди.

Умуман, мазкур 4 та туман — Уйчи, Сайхунбод, Зарбдор ва Ёғдудов тажрибалари доирасида йил бошидан бунён 3 миллион 300 миң аҳоли доимий даромадга эга бўлган. Жами расман банд бўлганлар илк бор 10 миллион 500 миң нафарга етган.

Бундан ташқари, Хўжайли, Асака, Вобкент, Булунгур, Янгиер, Қўштепа, Шовот каби 57 та туманда ишсизлик 5 фоиздан пасайган.

Марказий банк ва жойлардаги банклар бу ижобий тажрибаларни кенгайтириб, халққа мадд бўлишни зарурлиги таъкидланди.

— 2025 йил бандлигини таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда шу борадаги янги имкониятлар ва режалар кўриб чиқилди.

Охириги 6 йилда оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 750 миң аҳоли кредитини вақтида қайтариб, даромадли бизнесга эга бўлган. Улардан 58 миңи янги корхона ҳам очган.

Энди банклар мана шундай синовдан ўтган миқозларини қўллаб-қувватлаб, кичик ва ўрта бизнес даражасига олиб чиқиши зарур.

Шу боис, уларга “Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш” дастури доирасида шартсиз 300 миллион сўм кредит берилди. Бу орқали келгуси йилларда 1,5 миллион аҳоли ишга бўлади.

Илгари банклар оилавий тадбиркорлик дастурларига маблағни фақат давлатдан олган. Халқ банки ташаббус кўрсатиб, Осиё тараққиёт банки билан “Молиявий оммабоплик” дастури доирасида 50 миллион сўмгача ортиқча хужжат ва гаровсиз кредит беряпти.

Ушбу намуна асосида келгуси йил 9 та давлат банки 1 миллиард доллар кредит бериб, 250 миң аҳолини даромадли қилиши мумкинлиги айтилди.

Фаол тадбиркорлар иштирокида 27 та туманда очилган кооперациялар яхши самара беряпти. Келаси йил 30 та туманда балиқчилик, қуёнчилик, чорвачилик ва асаларичилик бўйича шундай кооперациялар ташкил қилинади. Бунга 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Ҳам инвестиция олиб келадиган, ҳам кўп иш ўрни яратадиган стартап лойиҳалар қўллаб-қувватланади. Бунинг учун давлат банклари венчур компания тузиб, маҳалла стартапларига ўз маблағидан жами 50 миллион доллар ажратади.

Ҳар бир банк хусусий шерик топиб, стартапларни бизнесга айлантирадиган акселераторлар очади.

Йиғилишда оғир туманларда ишсизликни камайтириш масаласига алоҳида ёндашилди. Уларга бошқа ҳудудлардан тажрибали тадбиркорлар жалб қилиниб, лойиҳалари учун енгил кредитлар ҳамда инфратузилмасига қўшимча маблағ ажратилади. Бу 1 миллион 300 миң аҳолини даромадли қилиш имконини беради.

Давлат инфратузилма қилиб берса, тадбиркорлар қўшимча 31 триллион сўмлик 3,5 мингта лойиҳа ва 200 миңгача янги иш ўрни ташкил этиш ташаббусини билдирган. Келгуси йилда ушбу лойиҳалар инфратузилмасига 1 триллион сўм ажратилиши белгиланди.

Яна бир таҳлил: 85 миң гектар ерда кам даромадли экин экилгани сабабли самарадорлик пастлигича қолмоқда. Шу боис, бундай ерлар йirik контурга бириштирилиб, етакчи тадбиркорларга иккиламчи ижарага берилади.

Ер эгасига ижара ҳақи ва маҳсулотни сотишдан улуш тўланади. Экин эмакдан аҳолига ерини бошқасига иккиламчи ижарага бериш ҳақида талабнома киритилади. Келаси йил тақсимланган 100 миң гектар ер ҳам шу тартибда ажратилади.

60 та илгор шаҳар-туман ишсизлик ва камбағалликдан холи бўлиш имкониятига эга. Бунинг учун келгуси йилда улардаги 2 миллион аҳолини банд қилиб, 417 миңгача оилани камбағалликдан олиб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Бу мақсадларга эришиш учун банклар молиявий мустаҳкам бўлиши керак. Шу боис, фақат давлат берадиган пулга боғланиб қолмасдан, ташқи манбалардан 6 миллиард доллар жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, келаси йили аҳоли омонатларини 11 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Хуқуқий асос яратилгани боис, бу йил 5,5 триллион сўмлик микроолия ва факторинг хизматлари кўрсатилган. Бу асосдан фойдаланиб, энди давлат банклари ҳам ўзининг микроолия ва факторинг компаниясини очини, унга хорижий инвесторларни жалб қилиши мумкин.

Йиғилишда банклар олдидаги муаммолар ҳам таҳлил қилиниб, ҳал қилиш чоралари фойдаланилди.

Масалан, банклар балансида 3 миңгача ҳаракатсиз мулк бор. Улар сотилса, қўшимча ресурс ва 150 миңгача иш ўрни учун захира пайдо бўлади.

Шу боис, банкларга ҳаракатсиз мулкларни бозор қийматида тўғридан-тўғри сотишга рухсат берилиши белгиланди.

Кредит қарзи ҳисобидан гаровини суд орқали ундиришга ҳам кўп вақт сарфланмоқда. Шунинг учун бу борадаги қонунийликни ўзгартириш, унда гаровга нисбатан банк ҳуқуқлари устуворлигини ҳамда ундирувга қаратилган мулклар тезроқ сотилишини назарда тутиш зарурлиги айтилди.

Ҳокимликлар билан банкларнинг маҳаллаларда мувофиқ ишлаш тизими кўрсатиб ўтилди. Бунда туман ҳокимлари лойиҳани жой ва инфратузилма билан таъминлаш мажбуриятини олади, банклар эса тадбиркорлар лойиҳаларига кўмаклашади, муаммоси бўлса, ҳал этади, ишсизларни бизнесга жалб қилади.

Шу мақсадда маҳалла банкилари фаолиятини йўлга қўйиш таклифи билдирилди. Улар маҳалланинг бизнес имкониятларини ўрганади, одамларнинг фойлари ва қобилиятини лойиҳаларга айлантиради. Аҳолига молиявий тартибларни, маҳсулот ва хизматларини сотишни ўргатади, лойиҳаларга ҳамроҳлик қилади.

Умуман, жаҳон иқтисодиётида бугунги мурракб шароитда молия-банк тизимининг барча даражаларида молиявий интизом ва шахсий масъулиятни кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда ҳокимлар ва банк раҳбарлари 2025 йилда 5 миллиондан зиёд аҳолини даромадли қилиш, 1,5 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича ҳисоб-китобларини тақдим этди. Мулоқотда ҳудудлардаги ижобий тажрибалар, мутасаддиларнинг ахборотлари эшитилди.

ЎЗА

## ХАЛҚАРО ТУРИЗМ МАРКАЗИ ЖОЗИБАДОР МАСКАН БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти Бўстонлик туманида қурилиши мўлжалланган халқаро туризм маркази тақдими билан танишди.

Дунё билан алоқалар кенгайиб, инфратузилма ривожлангани сари мамлакатимизнинг туризм салоҳияти ҳам ошмоқда.

Шундай жозибадор масканлардан бири, шубҳасиз, Бўстонлик тумани. Чорвоқ сув омбори ва дарёлари, қорли тоғлари, хушманзара дарактзорлари боис, бу ерда йилнинг барча фаслида мароқли ҳордиқ чиқариш мумкин.

Давлатимиз эътибори билан сўнгги йилларда Бўстонликда кўп-кўп янги мажмуалар барпо этилди, “Амирсой”, “Белдирсой-Чимёнанай” курорти каби лойиҳалар амалга оширилди.

Хусусан, сўнгги беш йилда 2 триллион сўмдан зиёд инвестиция киритилиб, 13 миңдан зиёд ўринга эга 59 та янги туризм иншооти ишга туширилди.

Бундай натижалар чет эллик инвесторларни ўзига тортмоқда, янада катта миқёсдаги лойиҳаларга йўл очмоқда. Жумладан, озарбайжонлик ишбилармон Эмин Агаларов бир қатор йirik хорижий компаниялар билан шерикликда Чорвоқ сув омбори бўйида

ЎЗА

### Нуктаи назар

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТАМОЙИЛИ

МАНЗИЛЛИ ИШЛАР ТУФАЙЛИ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ ВА ЁРДАМ БЎЙИЧА МУРОЖААТЛАР 35 ФОИЗ КАМАЙДИ

Президентимиз раислигида шу йил 13 декабрь куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши, ҳеч муболағасиз, тарихий йиғилиш бўлди. Сабаби, ижтимоий ҳимоянинг ҳар бир йўналишига ечим топиб берилди. Энди улар билан ишлашда бутунлай янги тизим яратилади.

Авалло, янги тахрирдаги Конституция мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини янада самарали ва инсонпарвар қилиш учун янги босқични бошлаб берди.

Кейинги йилларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли, жумладан, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматларни

Давоми 2-бетда

### Дил изҳори

## ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ ВА ИНТИЛИНГ

ШУНДА МЎЪЖИЗАЛАР ҲАММА ЖОЙДА БЎЛИШИГА ИШОНАСИЗ

Ёшлигимда матонатли инсонлар ҳақида кўплаб фильмлар кўрардим, ҳаётда эшитардим, китобларда ўқирдим. Матонатли саркардалар, олима ва шоирлар ҳақида билганларимга ҳавас билан қарардим. Лекин бир гапки, улар каби метин иродалиларни замоннинг, тақдирнинг ўзи яратаркан.

Давоми 2-бетда

### Буюк ўзбек йўли

## “ЯШИЛ” ТАРАҚҚИЁТ

Янги Ўзбекистонни ТАШАББУСЛАР ва КЕЛАЖАК МАМЛАКАТИ сифатида намоён этмоқда

Жорий йил 13 декабрь куни янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Шу куни дунёдаги энг йirik “яшил” энергетика ишлаб чиқарувчилар, инвесторлар, келажак лойиҳачилари Тошкентда жам бўлди. Ўтган йили декабрда 5 та қуёш ва битта шамол электр станцияси ишга туширилган эди. Орадан бир йил ўтиб, умумий қиймати 7 миллиард доллардан зиёд яна 24 та лойиҳа тайёрланди. 13 декабрь куни эса Президентимиз Шавкат Мирзиёев рамзий дастакни босиб, 18 та мажмуанинг фаолияти ва 6 та лойиҳанинг қурилишини бошлаб берди.

Бу лойиҳалар Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкорлари бўлган “Masdar”, “ACWA Power”, “Aksa Enerji”, Хитой ва Германиянинг нуфузли компаниялари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Эътиборлиси, бундай лойиҳаларнинг барчаси тўғридан тўғри хорижий инвестициялардир.

Ушбу 24 та лойиҳа орқали келгуси йилларда қўшимча 9,5 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқарилиб, 2,5 миллиард куб метр табиий газ тежаланиб, 4,6 миллион тонна зарарли газлар чиқилишининг олди олинади. Энг муҳими, 4 миллиондан зиёд хонадон узлуксиз тоза энергия билан таъминланади. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида 4 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратишга туртки беради.



Эришилган бу ютуқлар ва қайд этилган рақамлар замирида катта ҳаётий мақсадлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланишнинг келажакка қаратилган қувватлари бор. Рақамлар фақат қозғоғидангина “жим туриши” мумкин. Уларнинг оддий одамлар ҳаётидаги “сўзи”ни чуқур таҳлил қилиб кўрадиган

бўлсак, ўтган саккиз йил давомида ҳали кўпчилигимиз теран тушуниб етмаётган тарихий ишлар бажарилгани, келажак учун жуда муҳим пойдевор яратилаётгани гувоҳи бўламиз. Уларнинг англамлари ҳаётимизда қандай ифода топади?

Давоми 3-бетда



Дил изҳори

ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ ВА ИНТИЛИНГ ШУНДА МЎЪЖИЗАЛАР ҲАММА ЖОЙДА БЎЛИШИГА ИШОНАСИЗ

Бошланиши 1-бетда

“Келгуси орзу-мақсадларим ҳам бисёр. Аввало, ўз устимда янада кўпроқ ишлаб, тажрибамни орттириб, корхонамни кенгайтирмоқчиман. Мен сингари ҳаётнинг бешафқат зарбаларига учраб, бироқ ўзини тиклай олмаётганларга айтмоқчи бўлганим шу: мўъжизалар ҳамма жойда бўлиши мумкин.”



Дилором ЙЎЛДОШЕВА, “Мардлик” ордени соҳиби

“Мана шундай иродали, матонатли инсонларни ҳаммага ўрнак қилиб кўрсатсак, улар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди”, деди йилгида Президентимиз. Вилоят ҳокимлигидан туриб видеоселекторда қатнашадиган эдим. Бирдан йиғлаб юбордим. Президентимиз фармонига мувофиқ, менга йилгилик чоғида “Мардлик” ордени тантанали топширилди. Бу янги марралар сари интилишга куч берди.

Келгуси орзу-мақсадларим ҳам бисёр. Аввало, ўз устимда янада кўпроқ ишлаб, тажрибамни орттириб, корхонамни кенгайтирмоқчиман. Мен сингари ҳаётнинг бешафқат зарбаларига учраб, бироқ ўзини тиклай олмаётганларга айтмоқчи бўлганим шу: мўъжизалар ҳамма жойда бўлиши мумкин. Ҳаётни кўп айбланган, ҳаракатга киришинг ва қўлингдан келганини бажаришга интилинг. Замон ўз қаҳрамонларини саралаб олади ва яратаверади.

Олтинсой туманида туғилиб ўсдим. Катта орзулар қилдим. Тикувчилик тўғаракларига борардим. У пайтлар “Қиз бола ўқиб, олим бўлармиди?” деган гап бўларди. Қизлар олийгоҳларда ўқимасди. Ҳозир қаранг, ҳар бир хонадоннинг нафақат ўғил фарзанди, балки қизлари ҳам ўқинишга интиляпти ва давлат томонидан ҳамма шароит яратилган. Шунга мос ўқимишли қизлар сафи кун сайин ортиб борапти. 2006 йилда қўшни Денов туманидаги Орол маҳалласига келин бўлиб тушдим. Катта рўзгор, катта ташвишларга ўралашиб, ҳаёт икки-чикирига қоришиб кетдим. Мунчоқдек уч фарзандим туғилди.

2021 йил бахтсиз ҳодиса туфайли икки оғимдан айрилдим. Бир йилга яқин шифтга тикилиб ётдим. Ўтаверсанг, қолиб кетавераркансан, яшаш учун кураш майдонига чиқдим. Болаларим ва овсиним шунда менга ўқитувчи, устоз бўлиб, ҳаётни қайта ўргата бошлади. Бундан куч олдим.

Унутмангки, сизни ўлдирмаган нарса сизни кучли қиларкан. Энг яхши нарса-лар ҳали олдинда, умидсизликка тушмаслик кераклигини тушуна бошладим. Шу кучга таяниб уззукун телевизор кўриб ўтирганлимада, жойлардаги ўзгаришлар, чиқарилаётган қонун-қарорлар натижасини

кузатиб, бир ҳаракат қилай-чи, деган тушунча билан иш бошлаганман.

Овсиним дастлаб ёнимга кирган. Қўшнилари таскинга чиққан. Масъуллар 2022 йилда битта тикув машинаси берганди. Шу менга суянчиқ бўлди. Кейинчалик имтиёзли кредит асосида яна 7 та тикув машинаси олдим ва кенг қўламда иш бошладим. Аёлларга бепул касб ҳам ўргатаман. Аёллар либослари, болалар кийимлари, парда ва уй анжомлари тикамиз. Маҳсулот сифатли бўлса, унинг харидори ҳам кўп бўлади.

Адиба Пардаева — катта овсиним. Узоқ йил бирга, бир хонадонда яхши, иноқ, опасингилдек яшадик. Фалокат бўлиб, хунук воқеа бўлганини эшитганидан тепамга келиб эзилди-эзилди йиғларди. Унинг айтишича, аввалига битта оғим қолади дейишганида, яқинларим кўнган, бироқ шифокорлар иккинчисида ҳам жароҳат бор, уни ҳам кесамиз, акс ҳолда ўзи вафот этади, деган. Икки оёқ эвазига ҳаётимни сақлаб қолишган. Ҳозир доим ёнимда овсиним. Тадбирларда ҳамроҳ, тадбиркорлигимда эса кўмакчи.

Яқинда дунёнинг энг руҳлантитувчи “Топ-100” аёли рўйхатига кирдим. Энг муҳими давлатимиз раҳбари ишларимни алоҳида эътироф этгани бўлди.

Муносабат

ҲАЁТДАН РОЗИ ЯШАМОҚ БАХТИ

Ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йилгида давлатимиз раҳбари билдирган тақдир ва ташаббуслар янги таҳрирдаги Конституциямизда ифода этилган “ижтимоий давлат” тамойилининг ёрқин ифодаси бўлди. Президентимиз бу йил ижтимоий ҳимоя бўйича қилинган 34 та муҳим янгиликка кўшимча 28 та янги ташаббусларни илгари сурди. Келгусида 1 миллион 200 минг кишини камбағалликдан чиқариш учун таълим, тўғарак, касб-хунар, тиббиёт масалаларини ҳал қилиш ва яшаш шароитини яхшилаш зарурлиги таъкидланди.



Назира МАТЯҚУБОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати

Албатта, аввало, ижтимоий ҳимоя соҳасига давлатимиз ажратаётган маблағ ҳамда кўрсатилаётган ижтимоий ва бошқа хизматлар кўплаб мамлакатлар учун намуна вазифасини ўтайди, десак муболага бўлмайди. Қорақалпоғистон мисолида айтсак, биргина “Аёллар дафтари” доирасида қарийб 8700 оилга 8 миллиард сўмдан ортиқ давлат кўмаги кўрсатилган. Хусусан, боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлардан 7427 нафарига 8,9 миллиард, ижтимоий ёрдамга муҳтож биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган 9756 нафарига 11,7 миллиард, қарамоғида ногирон фарзанди бўлган хотин-қизларнинг 3069 нафарига 3,9 миллиард сўм моддий ёрдам берилган. Оғир турмуш шароитида яшовчи 1116 хотин-қизнинг уй-жойи таъмирланиб, ижара компенсацияси тўлаб берилган. Ижтимоий ҳимояга муҳтож салкам 32 минг ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланган.

Шаҳар ва туманлар, овул ва қишлоқларга кириб борсангиз, бундай ёрдам ва кўмакнинг эҳтиёжманд аёллар, оналар ва

болалар, оилалар ҳаётида қандай ўзгаришлар ясаганини кўрасиз. Уларнинг ҳаёти ва келажагига умиди ортганига гувоҳ бўласиз. Чунки моддий ёрдам ва кўмак бериш билан бирга аҳолини ишли қилиб, даромдини кўпайтириш масаласига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2025 йилда камбағаллик юқори бўлган мингта маҳаллада кўшимча биттадан оилавий боғча фаолияти йўлга қўйилиши, янги йилдан оилавий боғча ўринларининг 15 фоизига камбағал оила фарзандлари қабул қилиниши ва боғча тўлови қисман қоплаб берилиши хусусидаги тақдирлари эҳтиёжманд оилалар учун

жуда катта имкониятдир. Сайловчилар орасида бўлганимизда фарзандларни боғчага жойлаштириш ва оила бадал пули тўлови борасида мурожаатлар бўларди. Масаланинг бу тарзда ҳал этилиши айнан шундай оилалар манфаатига хизмат қилади.

Бугун камбағал оилалардаги ўзи ҳаракатлана олмайдиган шахсларга ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, ака-укаси ёки опа-синглиси қараб келаётгани ҳам айтиш мумкин. Келгуси йилдан маҳалладаги ижтимоий ходимлар ва хусусий сектор иштирокида бундай одамларга уйда ва кундузи қатнов асосида қараб туриш йўлга қўйилиши, натижада яқинига қараб турганларнинг ишлашига шароит яратилиши, шунингдек, бундай хизмат кўрсатган хусусий секторга камбағал оилалар харажатининг 80 фоизини давлат қоплаб бериши айтилди. Бу эзгу ҳаракат оиланинг ҳам моддий, ҳам руҳий-маънавий барқарорлигига хизмат қилади.

Яна бир муҳим масала эҳтиёжманд аҳолини битта ижтимоий уй-жойга жойлаштиришдан воз кечиб, ўзининг маҳалласига яқин жойдаги уйни ижарага олишига руҳсат бериш ва харажатини қоплашдир. Бу эҳтиёжмандларнинг яқин қариндошлари билан одатий яшаш шароитидан узоқлашмаган ҳолда турмуш кечирishi учун имконият яратилади. Қолаверса, миллий ва оилавий урф-одатлар, қадриятлар, қариндошлик муносабатлари бардавомлигига хизмат қилади.

Видеоселекторда муҳокама қилинган барча масала, ижтимоий ҳимоя соҳасида илгари сурилган ташаббус ва ғоялар янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатида дунёда ўзини намён этиб бораётганидан далолат беради.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

НУҚТАИ НАЗАР ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТАМОЙИЛИ МАНЗИЛЛИ ИШЛАР ТУФАЙЛИ ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ ВА ЁРДАМ БЎЙИЧА МУРОЖААТЛАР 35 ФОИЗ КАМАЙДИ

Мансурбек ОЛЛОЁРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, ижтимоий ҳимоя соҳасида салмоқли натижаларга эришган давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилиб, Ўзбекистонда мазкур соҳани ривожлантириш учун малакали хорижий экспертлар жалб қилинди. Таҳлиллар натижасида аҳолининг ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қарор қабул қилинди ва қатор чора-тадбирлар кўриб келинмоқда.

Ўтган даврда барча ҳудудларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари очилиб, 102 та ижтимоий хизмат маҳаллаларда йўлга қўйилди. Ижтимоий ходимлар уйма-уй юриб, шу йил реестрда бўлмаган яна 95 минг муҳтож одамга ёрдам кўрсатди. 51 минг кишига ногиронлик белгиланди, улардан 26 минг протез билан таъминланди. Ўтиб қолган 4 минг ёлғиз кекса аниқланиб, уларни уйда парвартириш йўлга қўйилди. Ногиронлиги бор 5 минг бола махсус боғча ва мактабга жойлаштирилди. Бундай манзилли ишлар туфайли Халқ қабулхоналари ва ҳокимликларга ижтимоий хизмат ҳамда ёрдам бўйича мурожаатлар 35 фоиз камайди.

Шунингдек, ногиронлиги бор болаларни таълимга қараб олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ҳар бир туманда биттадан боғчада инклюзив таълим гуруҳи очилди. Ҳаракати чекланган болаларнинг мактабга келиб-қетиши харажати 75 фоизини қоплаш тизими жорий қилинди. 1 сентябргача 954 та мактабда инклюзив синф ташкил қилиниб, яна ногиронлиги бор 1800 боланинг ўқишига шароит яратилди.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурлари



натижадорлигига эришиш, тўпланган миллий тажрибани қўллаш чора-тадбирларини юқори босқичга олиб чиқиш мақсадида ҳар бир фуқарони ўзи ва фарзандлари келажаги учун масъулият билан ёндашишга ундайдиган ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратишга қаратилган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури амалиётга татбиқ этилди.

Йилгида камбағаллик реестрини юритиш ва шу реестрдаги оилаларни ана шу дастур асосида эълон қилинган еттига имкониятнинг барчаси билан қамраб олиш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Келгуси йили 1 миллион 200 минг кишини камбағалликдан чиқариш учун таълим, тўғарак, касб-хунар, тиббиёт масалаларини ҳал қилиш ва яшаш шароитини яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Иккинчидан, ижтимоий хизматлар кўрсатиш орқали ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш вазифаси берилди. Айни пайтда ногиронлиги бўлган 115 мингдан ортиқ шахснинг бандлиги таъминланган. Президентимиз бу рақамни 200 мингдан ошириш кераклигини айтди.

Бунинг учун қатор имконият ва имтиёзлар ҳам берилди. Жумладан, яратилган имкониятлар ҳисобига бу йил тадбиркорлар ногиронлиги бор 40 минг фуқарони ишга олган. Бу қамровни янада кенгайтириш учун 1 январдан ногиронлиги бўлган ишчиларга ижтимоий солиқ 1 фоиз этиб белгиланди. Корхоналарга сурдатаржимон, психолог ва кўзи оқизларга ҳамроҳлик хизмати харажати учун 50 миллион сўмгача субсидия ажратилди. Бундай одамларни ишга жойлаган хусусий бандлик компанияларига 500 миллион сўмгача грант берилди.

Яқин-яқингача муҳтож аҳоли турли ижтимоий хизмат ва ёрдамларни олиш учун маҳаллий ҳокимликлар ёки маҳалла идораларига бориши, ҳужжатлар йиғиши ва бир нечта жойга мурожаат қилиши керак эди. Бугун барча ижтимоий хизмат агентлигимиз тасарруфидида марказлар ва ижтимоий ходимлар орқали бир жойда кўрсатиляпти. Аҳолига ижтимоий хизмат ва ёрдам бир нуқтада тақдим этилиши орқали ортиқча сарсонгарчилик ва қўғозбошлик чек қўйилди.

Илк бор 208 та туман (шаҳар)да ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилиб,



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ижтимоий хизматлар маҳаллага туширилди. Ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда ижтимоий иш (кейс менежмент) ташкил этиш мақсадида “Ягона миллий

ижтимоий ҳимоя” АТ таркибида “Инсон” АТ ва E-case электрон модуллари ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда эҳтиёжманд аҳолини 12 тоифа асосида белгилаш стандартлари жорий этилди. Ушбу йилда 3,6 миллион шахс ижтимоий хизматлар марказлари томонидан қамраб олинди, уларга 1,9 миллионга ижтимоий хизмат кўрсатилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, соҳада яна бир муҳим амалиётга қўл урилмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, турли қўғозбошлик, ортиқча овурагарчиликларнинг олдини олади. Айни пайтда фуқаролар ижтимоий хизмат ва ёрдам олиш учун 10 дан ортиқ ҳужжатни олиб юришига мажбур. Энди буларнинг ўрнини босадиган ягона “ижтимоий карта” жорий этилади. У билан жамоат транспортда бепул юриш, электр, газ ва ўқиш харажати компенсация олиш мумкин. Нафақа ва ёрдам пули ҳам шу картага тушади. Бу тизим 1 июлгача Тошкент шаҳри ва Янгийўл туманида синовдан ўтказилди, кейинчалик ҳамма жойда қўлланади.






“Яшил” энергетика билан фаровон ҳаётимизни таъминлашга эришамиз. Бу йўлда бизда барча имкониятлар, шароит ва ҳуқуқий асослар бор.

Буюк ўзбек йўли

“Яшил”

ТАРАҚҚИЁТ

Янги Ўзбекистонни ТАШАББУСЛАР ва КЕЛАЖАК МАМЛАКАТИ сифатида намоён этмоқда



Салим ДОНИЁРОВ

Бошланиши 1-бетда

**БИРИНЧИ АНГЛАМ:** нолдан яратилган тизим ёхуд қатъий сиёсий ирода орқали бутун дунёни ислохотларимиз қураштиришга ишонтира олдик.

Агар бундан бор-йўғи ўн йиллар олдин “Яқин орада Ўзбекистонда “яшил” энергетика қувватлари тараққийоти ҳаракатга келтирувчи асосий манбага айланиши”, дейишса, ўзимиз ҳам ишонмаган бўлардик. Эртак айтипти деб ўйлардик.

Толени қарангки, бутун янги Ўзбекистонда “яшил” тараққийоти оғушида яшашимиз. Таҳликали даврда мамлакат миқёсида янги тизимга асос солиши, нафақат асос олиши, уни кенг қўламда ривожлантириш осон иш эмас. Шунингдек, ҳаётимиз замонавий технологиялар асосида жадаллашадиган бир даврда дунёдан эътироф эшитиш ҳам ҳар кимга насиб қилавермайдиган ютуқдир.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нуқтадонлик билан иш қўриб, ўтган қисқа муддатда мамлакатда “яшил” энергетика тизимига нолдан асос солгани бутун барчамиз учун қувончли ҳодиса бўлибгина қолмай, бизнинг куч-қудратимиз, бирлашсак, катта ишларга қодир эканимиз далили ҳамдир.

Очқинни айтиш керак, давлатимиз раҳбари мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия соҳасини ривожлантириш борасидаги ташаббусларни, амалий ҳаракатларни бошлаб берганида, аввалига кўпчилик биз ишни ҳозиргидек даражада удаллашимизга ишонмаган эди.

Шунга қарамай, руҳимиз тушмади, шаштимиз сўнмади. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича жуда катта мақсад ва вазифалар белгиланиб, амалий ишлар бошлаб юборилди. Президентимиз бу борадаги ҳаракатларни бир сўз билан жуда маъноли изоҳлайди: “Яратганимиз ўзи ато этган бундай имкониятларини халқимиз манфаатларига йўналтиришининг аҳамияти катта”.

Бу йўлда бизни қўллаб-қувватловчилар ҳам кўп бўлди. Улар бутун мамлакатимиз раҳбарининг ташаббусларини, эзгу мақсадларини рўйбга чиқариш йўлида биз билан бирга ҳаракат қилмоқда.

“Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон шунчаки бутунги кун билан яшайдиган давлат эмас. Унинг Президенти эса келажакни ўйлайдиган, келажак авлодлар учун мустаҳкам пойдевор қўйдиган, бутун дунёга узоқни кўра олиш қобилиятини намоён этаётган етакчидир”, деди ўтган ҳафтада Бирлашган Араб Амирликларининг “Masdar” компанияси бош ижрочи директори Муҳаммад Жамил Ал-Рамаҳий.

Бу дунёда ҳамма нарсанинг, шу жумладан, ҳаракатларнинг ҳам ўз номи бор. Кимгадир муҳтож ҳодиса кўмаклашсак, уни ахшилик деб атаймиз. Юртни ҳимоя қилиши, эл номуси учун курашиш ҳақиқий ватанпарварлик, дея сифатланади. Оилага, маҳаллага ҳамхўрлик инсоний бурч дейилади.

Миллат саодати, миллий давлатчилик ривож учун қайғуриш, бутунги кун ва эртанги келажак учун мустаҳкам пойдевор яратишнинг сифати қандай бўлади?

“Masdar”нинг бош ижрочи директори ҳақ гапни айтди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев том маънода, бутун ва келажак етакчисидир. Шу маънода, ҳақли равишда давлатимиз раҳбарининг бу эзгу сай-ҳаракатларини **МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНЛИК** сифатида қадрласак, адолатдан бўлади.

**ИККИНЧИ АНГЛАМ:** бу вақтинча эмас!

Биз Буюк Амир Темур бобомизнинг “Салтанат тўғини кийгач, танимдан ҳаловат кетди”, деган таъсиричан сўзлари маъини кейинги йилларда англаб етдимиз. Бунда давлатчилик ишига, эл-юрт хизматида бел боғлаган инсон амал қилиши зарур бўлган олий мезон назарда тутилганини Президентимиз Шавкат Мирзиёев сиймосида кўряпмиз, ҳаётимиздаги ўзгаришлар мисолида сезапмиз, руҳланяпмиз.

Баъзан бир инсон тақдирини кўз ўнгимизда ўзгартириб кетади. Оний бир эҳтиётсизлик кишини бир умрга ожиз қилиб қўйиши мумкин. Ёки аксинча, бир жиддий интилиш билан инсон фаровонлик сари юзланади.

Демак, ҳаёт ҳаракатдан иборат, деган гап тўғри. Шу ўринда жамиятдаги муҳитни ўзгартириш, одамларни ҳаракатга чорлаш ва уларни муносиб яшаш бахтига эриштиришдек кучли ирода олдиди ҳаммиша катта мақсадлар туришини англаб етишимиз зарур бўлади.

бемалол нақдлаштиришга ўтганимизда ҳам уч-тўрт кунлик амалиёт деб ўйладик. Мамлакатда эркин ҳаракатланиш, Тошкент

Бунинг натижасида: **биринчидан**, агар ҳар бир хонадонда ўртача уч-тўрт киши яшашини ҳисобга олсак,



“Ўзбекистон шунчаки бутунги кун билан яшайдиган давлат эмас. Унинг Президенти эса келажакни ўйлайдиган, келажак авлодлар учун мустаҳкам пойдевор қўйдиган, бутун дунёга узоқни кўра олиш қобилиятини намоён этаётган етакчидир.”

пропискиси билан боғлиқ азоблар барҳам топиши эса ҳали-ҳақон тўшдек туюлаверади. Бир умр Ўзбекистонда яшаб, лекин фуқаролик берилмаган юртдошларимиз бутун

тахминан 15 миллиондан зиёд юртдошимиз ҳаётида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Яъни улар барқарор ривожланиш босқичига ўтади. Айтилик, хонадонда катта-кичик



Давлатимиз раҳбари бу йўлда бизга ҳамма шунга қўйиб келаяпти. Бошлаган ислохотларимиз ортага қайтмаслигини кўп бор таъкидлайди. Ортага йўл йўқ.

Нега мамлакатимизда бошланган катта-катта ишларга баъзан ишонсизлик пайдо бўлади? Бойси, биз узоқ йиллар ташаббус кўрсатмадик, ҳаракатсизлик исканжасида яшаб келдик, янги гоёларни амалга оширмадик. Гоё тараққийоти эканидан кўз юмдик.

Лекин энди бундай эмас. Ўтган қисқа фурсат — атиги саккиз йилда Ўзбекистон ҳақиқий **ТАШАББУСЛАР МАМЛАКАТИ**га айланди. Кўз ўнгимизда шундай даражага эришдик.

Бу нимадан далолат беради? Халқимиз қониди қуёқлашган гендаги қодлар уйғоништи. Уйғониш ҳодисаси ўз-ўзидан содир бўлмайди, албатта. Унга туртки, бошқача айтганда, одамлар онги ва қалбига “қўнғироқ эффект”ни синдириш зарур бўлади.

Инсон табиатини жуда мураккаб характерга эга. У доим ўзи кўрган ва туйғуви бўлган, танида ҳис қилган воқеа-ҳодисалардан хулосаланади. Янги Ўзбекистонда жамиятимизнинг янги қиёфасини яратиш борасида қилинган ишлар ҳам худди шундай — одамларда яхши яшашга бўлган интилиш хулосасини шакллантира олади.

Шу боис, биз бошлаган йирик ишларимизни охиригача муваффақиятли етказса оляпмиз. Келинг эслаймиз, валютанин эркинлаштириш сиёсати бошланганида кўпчилик бизга ишонмаганида, банк пластик карталаридаги пулни банкوماتлар орқали

мамлакатимиз фуқароси эканидан бахтиёрлигини ҳеч тўхтовсиз айтиб юрибди.

“Яшил” энергетика тизимида бутунги эришилган ютуқларимизни ҳам бундан тўрт-беш йил аввал тасаввур қила олмадик. Аммо ҳар бир ишни қатъий ирода, фидойилик ва азму шижоат билан қилсак, қандай натижаларга эришиш мумкинлигини ўтган ҳафтадаги тадбирлар мисолида кўрдик. Хорижий нуфузли меҳмонлар эътирофларида бизга ва олиб борилаётган ислохотларимизга бўлган ишончининг яққол ифодасига амин бўлдик.

Улардан бири — Хитойнинг “China national technical” компанияси президенти Ли Ху шундай деди: “Давлатингиз раҳбарининг олиб бораётган сиёсати, мавжуд қонун-қондалар ва аҳолининг тадбиркорликка бўлган очиклигини алоҳида таъкидлаш керак. Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистон бизнес учун янада яхши манзилга айланиб бормоқда”.

**УЧИНЧИ АНГЛАМ:** келажак лойиҳалари — миллий давлатчиликнинг фахрига айланади. Мақолаимиз аввалида бир қатор рақамларни келтириб, уларнинг ҳаётдаги “сўзи” гоёт таъсири экани ҳақида айтган эдик. Энди шу фикримизни айрим фактлар билан изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Эътибор беринг, жорий йил 13 декабрь кунини ишга туширилган ва курилиши бошланган жами **24 та лойиҳа туфайли 4 миллиондан зиёд хонадон узлуксиз тоза энергия билан таъминланади.**

тадбиркорлик лойиҳаларини бошлайди. Ишлаб чиқариш қувватларини оширади;

**иккинчидан**, ўша 4 миллион хонадонда бошланган тадбиркорлик ҳаракати бошқа биттадан оилани қамраб олганда ҳам 8 миллион рўзгорга барака қиради; **учинчидан**, бундай ҳаракатлар натижасида иқтисодийнинг бошқа соҳаларида ҳам 4 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратишга туртки беради.

Бу бюджетимизга йирик миқдорда кирим пайдо бўлади, дегани. Албатта, бу маблағ бизники бўлади. Улар ҳисобига боғча, мактаб, тиббиёт муассасалари қурилади, ижтимоий жамиятга муҳтож аҳоли қатламга узлуксиз ва тизимли ёрдам кўрсатилади, камбағал оилалар фарзандлари олий ўқув юртиларида ўқитилади;

**тўртинчидан**, 1 камбағал оиладан ҳеч бўлмаганда 1 нафар олий маълумотли киши, у ўз оиласини боқиб қолди бўлади. Шу тариха жамиятда камбағал оилалар сонини қисқариб боради.

Буни ҳеч иккиланмасдан, камбағалликни тугатиш бўйича “**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ**” сифатида эътироф этишимиз мумкин бўлади; **бешинчидан**, Президентимиз бежиз тоза энергияни ривожлантириш борасида қайғурмаяпти. Бойси, дунёда тоза — “яшил” энергия асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб кун сайин кучайиб бормоқда.

Биз бутун дунё бозорларини забт этиш ҳаракатимизда. Дунё бозори эса биздан сўрайди: “**Хўп яхши, менга чиройли, сифатли костюм-шим олиб келибсан, у қандай**



энергия ёрдамида тайёрланган?”. Сиз айтасиз: “Одий, ота-боболаримиз фойдаланиб келган анъанавий электр манбаи билан”. “Йўқ”, дейди у, “менга табиғатга зарар келтириб ишлаб чиқарган бу маҳсулотнинг керак эмас”.

Европанинг қоқ марказига бориб айтинг: “Хой дўстлар, мен тиккан мана бу костюм-шим Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган. У бизда жуда кенг қўлланилаётган “яшил” энергия қуввати ёрдамида тайёрланган”. Шунда улар сизнинг маҳсулотингизни бажонидил қабул қилади. Халқимиз тили билан айтганда, бозорингизни беради.

Мана шу биргина рақам шарҳидан ҳам англашладикки, мамлакатимизда ҳаётга таътиб этилаётган “яшил” энергетика лойиҳалари, ҳақиқий маънода бутунимиз ва келажакимиз учун гоёт жозибадор ҳамда миллий тараққийотимизнинг эртанги кунини ҳал қилувчи аҳамиятга эга омиллардан биридир.

**Тўртинчи АНГЛАМ:** тараққийоти йўлида юриш эмас, югуриш керак!

Табиғат инстинкт ҳодисалар кўп. Масалан, бирор ҳавф тўсатдан яқинлашганда кўзимизни юмаемиз, қорнимиз оғса, овқат гамини еймиз, қаттиқ қайғу ёки хурсандчиликдан беихтиёр кўзимизга ёш оламиз, ҳеч ким ўргатмаса ҳам куламиз, йилғайимиз ва ҳоказо.

Инсон ақли билан бошқариладиган туйғулар ҳам кам эмас. Айтилик, ўрни келмаганда, бир сўз айтишдан тийиласиз, яқинларингизга меҳрингизни баъзан ошкор билдирмайсиз. Бирор манфаат кўрмаган жойга бошқа бормасликка ҳаракат қиласиз...

Шу тариха табиий ва ақлий инстинктлар дунёвий муносабатларни тартибга солиб туради. Аммо инсоният қомиллигини учун буларнинг ўзи камлик қилади, назаримизда.

Биз бутун XXI асрнинг биринчи чорагини яшаб ўтйапмиз. Иккинчи чорак, яъни бир йилдан сўнг дунёда вазият тубдан ўзгариб кетиши эҳтимоли катта.

Бунда сиёсий манзара алоҳида мавзу. Лекин таҳлилчилар фикрича, халқро миқёсдаги йирик инвесторларнинг янги даври бошланади. Улар энди кўпроқ “яшил” иқтисодиёт сари талпинади.

Мана шу жойда мамлакатимизда “яшил” энергетика, умуман, “яшил” тараққийотга нима учун бу қадар муҳим эътибор қарати-

янги Ўзбекистондаги бутунги ишбилармонлик муҳити қай ўзганга бурилатганини англаб етган ва буни кенг доираларда эътироф эта бошлаган.

Бирлашган Араб Амирликларининг энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл бин Муҳаммад ал-Маъруфий шундай деди: “Жаноб Президент, сизнинг узоқни кўра оладиган етакчилигингиз туфайли Ўзбекистон улкан ютуқларга эришиб, инновацион тараққийоти йўлида дадил қадам ташламоқда...”

Доктор Султон жаноблари билан биргалликда 500 мегаватт қувватга эга Зарафшон шомол электр станциясини ишга тушираётганимиздан гоёт мамнуимиз. Бу Марказий Осиёдаги энг йирик лойиҳа-Ўзбекистон улкан ютуқларга эришиб, инновацион тараққийоти йўлида дадил қадам ташламоқда...

Доктор Султон жаноблари билан биргалликда 500 мегаватт қувватга эга Зарафшон шомол электр станциясини ишга тушираётганимиздан гоёт мамнуимиз. Бу Марказий Осиёдаги энг йирик лойиҳа-Ўзбекистон улкан ютуқларга эришиб, инновацион тараққийоти йўлида дадил қадам ташламоқда...

Сиз билан елкама-елка ишлаш мен учун ҳам шараф, ҳам улкан масъулиятдир. “**Биз юриш эмас, югуришимиз керак, ортага қолмаймиз**”, деган сўзларингиз ҳамон қулоғимизда жаранглаб туради. Шу боис, биз ҳам сиз билан биргалликда олға интилиш ва юқори марраларни забт этишга тайёрмиз. Биз нафақат қайта тикланувчи энергия соҳасида замонавий мамлакат қуриш, балки қўшни давлатлар ва Европа бозорларига энергия экспорт қилишдек буюк мақсадларингизни амалга оширишда кўмак беришга доим тайёрмиз. Сизнинг келажакни кўра оладиган етакчилик қобилиятингиз биз учун илҳом манбаи бўлиб қолмоқда”.

Биз юқоридики инсоният қомиллиги учун табиий ва ақлий инстинктларнинг ўзи камлик қилиши ҳақида бежиз айтмадик. Бойси, Президентимизнинг “**Биз юриш эмас, югуришимиз керак, ортага қолмаймиз**”, деган ҳаётий қорлов мазмунидики гапидики тириклик моҳияти ўша бўшлиқни тўлдирди.

Суҳайл бин Муҳаммад ал-Маъруфийнинг эътирофлари ҳам барчамизга фахр бағишлайди. Ўзбекистон улкан ютуқларга эришиб, инновацион тараққийоти йўлида дадил қадам ташламоқда, деди у.

Халқро миқёсдаги йирик инвесторларнинг янги даври ҳақида сўз кетганда, **янги Ўзбекистон — инвестицияларни ҳар**



лаётганининг яна бир моҳияти очилади. Демак, **янги Ўзбекистон нафақат бутун, балки жуда янги КЕЛАЖАК МАМЛАКАТИ** бўлишга интилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган ҳафтада янги энергетика қувватларини ишга тушириш ҳамда навбатдагиларини қуришга бағишланган тантанали маросимда “**Бутунги тадбир юртимиз энергетика тарихида янги саҳифа очади. Ишга туширилаётган бу лойиҳалар орқали нафақат иқтисодий ўсишга эришамиз, балки келажак авлодларимиз учун яшил ва барқарор Ўзбекистоннинг мустақил пойдеворини яратамиз**”, деганида жуда катта мақсадларни назарда тутганини ҳар биримиз таҳлил қилиб кўришимиз керак бўлади.

Албатта, бу жараянни таҳлил қилаётган йирик инвесторлар ҳам бор. Улар аллақачон

томонлама кафолатлайдиган, инвесторларнинг барча лойиҳа ва ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлайдиган, хорижий ҳамкорларимиз манфаатларини ҳимоя қиладиган дунёга очик мамлакат эканидан ҳақли равишда фахрланамиз ва бундан кейин бу тамойил янада мустаҳкамлашиб боришига қатъий ишонамиз.

Бир сўз билан айтганда, “яшил” энергетика билан фаровон ҳаётимизни таъминлашга эришамиз. Бу йўлда бизда барча имкониятлар, шароит ва ҳуқуқий асослар бор. Олдимизда эса биргина вазифа: бошлаган йўлимиздан асло ортага қайтмаслик, буюк мақсадларимиз сари ҳеч иккиланмасдан фақат ва фақат олға юриш. Шунда биз маррани янада балеанд оламиз, катта-катта режаларимизни амалга ошираверамиз.



Бугуннинг гапи

# ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚ ХАЛҚЧИЛ ЛОЙИҚАЛАР

Ўтган ҳафта охирида Президентимиз томонидан энергетика соҳасида ишга туширилган лойиҳалар том маънода мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига қаратилган муҳим қадам бўлди. Бугун энергияга талаб тобора ортиб бормоқда. Ўз навбатида, энергия ресурслари камайиб кетаяпти. Бундай шaroитда ягона ечим соҳага илгор, инновацион технологияларни тез жорий этиш, энергия қувватлари оlishининг муқобил манбаларини яратишдир. Шу жиҳатдан мазкур лойиҳалар халқчиллиги, “инсон манфаати учун” тамойилига йўрилган сёбат махсули сифатида барчада катта қизиқиш уйғотиши табиий. Чунки улар самарасини халқимиз яқин йилларда кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар мисолида сеза бошлайди. Буни соҳа мутахассислари, жамоатчилик вакиллари ҳамда оддий одамлар ҳам катта мамнуният билан эътироф этмоқда.



## АВВАЛГИ ДАВРНИ ҲОЗИРГА ТАҚҚОСЛАБ БЎЛМАЙДИ

Узоқ йиллар энергетика тизимида ишлаган инсон сифатида бугунги ўзгаришларни кўриб, айни вақтда соҳада ишлаётган мутахассисларга ҳавас қиламан. Чунки биз ушбу соҳанинг энг оғир вақтларида ишладик. Биласизми, юртимиз энергетика тизимидаги инқироз даври ҳақида сўрашса, мен 2000-2015 йилларни айтган бўлардим. Тизимда тармоқлар ва техника маънави эскирган, бунинг натижасида мунтазам узлиш кузатилади. Қолаверса, электр энергияси тақчиллиги узоқ вақт чекловларини талаб этарди. Бу эса, айниқса, куз-қиш мавсумида оддий ҳолга айланганди. Ҳолат аҳолининг кайфиятига ҳам салбий таъсир кўрсатарди. Бунинг ортидан биз, электрликлар кўп маломатли гап-сўз эшитганимиз ҳам чин. Аммо ноилож эдик. Сабаби электр энергияси

тақчил эди. Электр энергияси истеъмолида аҳолининг қардорлиги жуда юқори бўлган. Соҳадаги муаммоларга ечим топиш, ислохотлар ўтказиш талаб этиларди. Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилдан соҳада аста-секинлик билан ўзгаришлар кузатила бошлади. Тизимга янги, замонавий технологиялар жорий этилиши ҳам бунга туртки берди. Мисол учун, хонадонларга янги ҳисоблагичлар ўрнатиш қиққанмиш эсимда. Шунда ҳам муаммолар кузатилади. Ҳозир “ақли” ҳисоблагичлар ўрнатилгандан кейин кўп муаммога ечим топилиб, истеъмоил қардорликларига ҳам барҳам берилди. Энергетика соҳасида 40 йил меҳнат қилдим. Юртимизда муқобил энергия манбалари, яъни шaмол ва кўшдан электр энергияси

ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши хаёлимизга ҳам келмаган. Мутахассис сифатида айтишим мумкин, бу электр энергияси тақчиллигининг олдини олишда энг мақбул ечим. Вилоятимизнинг ўзида ҳам бир неча станция ишга туширилди. Кармана туманида кўёш, Томди туманида шaмол электр станциялари қурилиб, ишга туширилгани эса бу борада тарихий воқеа бўлди. Нуротадаги гибриид электр станцияси қурилиши бошлангани, қолаверса, юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам шу каби лойиҳаларга старт берилиши бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Тизимдаги хаёлимизга келмаган бу ислохотлар бугун ҳақиқатга айланди. Ҳозирги шaroитда меҳнат қилгим келади. Техникалар ҳам замонавий ва қулай. Биз эса битта симиёгончи кўлда чуқур қазиб, ўрнатардик. Ҳозирчи, бутун шaмол паррақларини ҳам техника жойлаштириятти. Биргина мутахассиснинг ўзи етарли. Аввал битта трансформатор ўрнатишга ҳам бутун бригадга жалб қилинар эди. Тўғриси, тизимдаги шундай оғир даврлар ортда қолганидан соҳа фахрийси сифатида жуда хурсандман. Ислохотлар бардавом бўлсин.

Аҳмад МУСТАФОЕВ,  
меҳнат фахрийси

Навоий вилояти

## БУ КҮН БИЗ УЧУН ТАРИХИЙ БЎЛДИ

2024 йилнинг 13 декабрь санаси чиндан ҳам биз учун тарихий кун бўлди. Чунки Президентимиз томонидан старт берилган 24 лойиҳанинг бири бизга дахлдор. Гап шундаки, “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти томонидан пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги Шон-шухрат маҳалласи ҳудудида инвестиция лойиҳаси асосида Туркиянинг “IPEKNO” компанияси билан ҳамкорликда янги, замонавий ҳамда энергиятежамкор когенерация қурилмаси бунёд этилди. Маросимда ана шу қурилма ҳам ишга туширилди.

Умумий лойиҳа қиймати 3,6 миллион долларга тенг замонавий энергия иншоотининг фойдаланиш коэффициенти 80 фоиздан юқори. Лойиҳа ишга туширилиши натижасида йилга 8 миллион киловатт-соат электр энергияси ҳамда 52 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Энг замонавий ва юқори тежамкор технологиялар ўрнатилгани ҳисобига йилга 0,7 миллион куб метр табиий газ иқтисод қилинади. Атмосферага чиқадиган ифлослантирувчи моддалар ҳажми 67 тонна камаяди. Лойиҳага кўра, 10 та янги иш ўрни очилди.

Замонавий усулда қурилган энергетика қурилмасида ишлаб чиқарилган иссиқлик энергияси аҳоли хонадонларига ёпиқ тизим орқали етказиб берилиши туфайли йўқотиш кузатилмайди. Қурилма сабабли ҳудуддаги 18 та кўп қаватли уй, 1 та мактаб, 1 та

ижтимоий соҳа объекти ва мингдан ортиқ хонадонни барқарор иссиқлик энергияси билан таъминлаш имконияти вужудга келди.

Ушбу қурилманинг дастлабкиси 2023 йил 14 октябрда синов тариқасида Чилонзор туманининг Оқтепа ва Богзор маҳаллалари ҳудудида бунёд этилган эди. Улар Президентимизнинг 2022 йил 13 декабрда Чилонзор туманида бўлиб, аҳолининг иссиқлик таъминоти ҳолатини ўрганиш натижалари бўйича белгилаб берган устувор вазифалари асосида амалга оширилган. Ижобий натижа кўрсатгандан кейин бу каби лойиҳаларни оммалаштиришга киришилди.

Айни пайтда Тошкент шаҳридаги 6 та туманда қиймати 34,5 миллион долларлик когенерация қурилмаларини барпо этиш ишлари бажарилмоқда. Шон-шухрат маҳалласидаги когенерация қурилмаси шулар жумласидан. Айни кунларда Сергели туманида ҳам когенерация қурилмаси бунёд этиляпти.

**Файзулла ШОИСМАТОВ,**  
“Иссиқлик электр станциялари” АЖ бошқаруви раисининг инвестициялар бўйича ўринбосари



## ЎЗБЕКИСТОНДА МУҚОБИЛИ ЙЎҚ

Кундалик ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аҳолининг муттасил кўпайиб бориши, юрт тараққиёти, эл фаровонлиги йўлидаги ислохотлар электр энергиясига талабни ошираётгани табиий.

Президентимиз шу йил 11-12 июль кунлари Фарғона вилоятига амалий ташрифи чоғида Ўзбекистон тумани ҳудудида Хитойнинг “Gezhouba Group” компанияси билан ҳамкорликда илк электр энергияси сақлаш тизими қурилиши лойиҳасини бошлаб берганди. Жуда қисқа муддатда аҳоли хонадонлари ва халқ хўжалиги тармоқлари учун керакли лойиҳа ишга туширилганини кўриб, гуруриландик. Бу бежиз эмас, албатта.

Маҳалламизнинг жанубий сарҳадига туташ, яқин йилларгача гиеҳ умнаган, тош-шагалдан иборат дала-даштдаги қурилиш, бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлиб турдик. Яқингача кимдир “Бу ерлар ҳали обод бўлади, аҳоли фаровонлигига хизмат қилувчи йирик ишлаб чиқариш тармоқлари қурилади”, деса, ҳеч ким ишонмасди. Бугун бу гап ҳаётли ҳақиқатга айланди.

Кучли мактаб бўлса ёки ҳаво харорати кескин пасайса, неча кунлаб электр энергиясиз қолганимиз кегаҳдек эсимда. Бугун вазият тубдан ўзгарди. Аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасида кўплаб лойиҳалар амалга ошириляпти.

Замонавий электр энергияси сақлаш тизими қуриб битказилгани бугунги ва эртанги кунимиз учун жуда муҳим воқеа. Бу масаланинг бир жиҳати. Бошқа томондан эса янги лойиҳа орқали чекка ҳудудга янги ҳаёт, фаровонлик, бунёдкорлик анъаналари кириб келди. Сув етиб бормаган овлоқ жойларда обихаёт чиқарилиди, уч километрдан ортиқ янги йўл ётқизилди. Сув етарли, йўли раvon жойда тараққиёт, ривожланиш бўлади, хизмат кўрсатиш тармоқлари қуриб, қўшимча иш ўринлари очилади.

Бу ерда салмоқли бунёдкорлик ишлари қилинди. Кўз олдимизда муҳташам корхона буй кўрсатди. Электр энергиясини сақлаб, керакли пайтда узатиш лойиҳаси ҳақида илгари эшитма-

ган эдик. Мана энди уни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бу жуда катта имконият, қулайликлар яратяётгани билан эътиборни тортади.

Умумий қуввати 150 мегаваттга тенг электр энергияси сақлаш иншооти бор-йўғи тўрт ойда қуриб битказилгани юртимиз куч-қудрати, салоҳиятидан дарак беради. Янги иншоот қурилишида маҳалламиз ёшлари имкон қадар ишлаб, ҳисса қўлиди. Жараён шу билан чекланиб қолаётгани йўқ. “Маҳалла етилиги” ёрдами билан ёшларни мана шу йўналишларда касб-хунарга ўқитиш, миграциядан қайтариш, малака ва маҳоратини ошириш борасида тарғибот қиялгимиз.

Бу иншоот мамлакатимизда биринчи тармоққа уланган батарея энергия сақлаш тизими бўлибгина қолмай, Марказий Осиёдаги энг йирик энергия сақлаш омборидир. Қурилма электр манбаига эҳтиёж камайган кундуз ва тунги пайтларда электр тармоғига уланиб, истеъмоилдан ортиб қолган электр қувватини омборда йиғади ва зарур бўлганда қайта тармоққа етказиб беради. Электр энергиясини батареяда сақлаш, айниқса, қишда қўл келади. Кундузи босим паст бўлган вақтда тизимни қувватлантириш, юклага юқори бўлганда бўшатиб, тизимдаги мувоzanатни сақлашга ёрдам беради. Турли ноқулай об-ҳаво шaroитида ҳам электр энергияни узлуксиз етказиб бера олиш хусусиятига эга. Бу қулай ва ишончли тизим сифатида минглаб одамларнинг ҳаёт тарзини ўзгариштиришга хизмат қилади.

Жорий йил 13 декабрда давлатимиз раҳбари энергетика соҳасидаги объектлар ва лойиҳаларни ишга тушириш маросимида иштирок этиб, 3,7 миллиард долларлик 18 та янги қувват ишга туширилиши ва навбатдаги 6 та лойиҳа қурилишига старт бергани мамлакатимиз энергетика соҳасида янги саҳифа очган кун сифатида ёдимизда сақланиб қолди.

**Ҳасанбой САТТОРОВ,**  
Ўзбекистон тумани “Ўқчи” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



Қашқадарё вилоятида шу йилнинг ўзида 133 та трансформатор ўрнатилиб, 558,4 километр электр тармоғи янгидан тортилди, 3092 километр тармоқ ва 1046 та трансформатор мукамал таъмирланди, 21 та подстанциянинг қуввати оширилди. Натижада 255 та маҳалладаги 176 мингдан ортиқ хонадон ва қарийб 1100 улгуржи истеъмоилнинг электр таъминоти ахшиланди. Шу билан бирга, энг катта ютуқлардан бири — Нишон туманида Туркиянинг “Акса Энержи Талимаржан” хорижий корхонаси томонидан янги 400 мегаватт газ поршенли электр станциясини қуриш ишлари давом этирилмоқда. Маросимда Президентимиз мазкур станциянинг кейинги босқичига старт берди. Умумий қиймати 300 миллион долларлик мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи жорий йил

## САМАРАДОРЛИК ОРТМОҚДА



сентябрда ишга туширилганди. Ҳозир бир соатда 315 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йил якунига қадар ишлаб чиқариш қуввати 380 мегаваттга етказилади ва 2025 йил февралдан тўлиқ қувват билан ишлай бошлайди. Натижада корхона томонидан бир йилда 3,4 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Ҳозир мазкур лойиҳа қурилишига мингта яқин ишчи-ҳодим жалб этилган бўлса, тўлиқ ишга туширилгандан сўнг 200 та доимий иш ўрни очилади.

Шунингдек, соатига 400 минг киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу Миришкор туманининг бир қуллиқ электр энергияси истеъмоилдан кўп дегани. Энг асосийси, тизимда электр энергияси

462,2 миллион долларни ташкил қилади. У ишга туширилиши натижасида йилга 2 миллиард 386,7 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

2024 йил сарҳисоби ҳақида гапирсак, айнан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, энергия манбаларидан самарали фойдаланиш кўламини кенгайтириш борасидаги ишлар салмоғи юқори бўлди, дея бемалол айтиш мумкин. Келгуси йилда бу кўрсаткичлар сезиларли даражада ортади.

**Санжар ТОШЕВ,**  
Қашқадарё вилояти ҳоқимлиги котибият мудири

## Ислохот одимлари

Бепоеён пасту баландликлардан иборат кенглик. Бир қарашда оддий тепаликдек кўринади. Аслида, шу биргина баландлик остида ҳам қанчадан қанча табиий қазилма бойликлар борлиги кишини ҳайратга солади. Бундан ташқари, ушбу ердан қазиб олинаётган турли тошлардан ажратилаётган хомашё қурилиш материаллари тайёрлаш учун жуда муҳим экани кишининг қизиқишини янада оширади.

Чироқчи туманида тоғ-кон санoатини ривожлантириш, соҳада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва захира бойликлардан оқилона фойдаланиш борасида тизимли ишлар бажарилмақда.

Бешбулоқ қишлоғи Чироқчи тумани марказидан анча олисда жойлашган. Тоғ этагидидаги қишлоқнинг юқори қисмида марганец руда конлари аниқланганига анча йил бўлган. Айтишларича, бу ердаги конлар дастлаб 1940-йиллар, кейинчалик 1980-йиллар атрофида геолог қидирувлар натижасида аниқланган. Шундан сўнг кўп йил фойдаланилмай турган. Айнан шу

жойда хомашё мавжуд бўлса-да, юртимизга четдан импорт қилинган. Кейинчалик соҳадаги изланишлар, амалий тадбирлар натижасида имкониятлар ишга солинди. Натижада кондан қазилма бойликлар олина бошланди.

Тоғ йўли орқали марганец руда кони томон чиқиб борарканмиш, катта юк машиналари пастликка тушиб келарди. Бир қатор бўлиб ҳаракатланиб келаятган машиналар устида юк тўла. Адирликларнинг энг юқори қисмида қазилма ишлари қизғин кечмоқда. Кончилар асосан, техникалар ёрдамида қовлаб олинган махсулотни юк машиналари орқали шу яқиндаги текисликка олиб келиб тўкмоқда. У ерда махсус ускуналар орқали сараланиб, икки хил кўринишга келтирилган ҳолда қайта юкланмоқда. Бу ердан икки турга ажратилган қазилмалар тўғридан-тўғри асосий омборга ташиб бориларкан.

— Биз ишлаётган жой “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖга қарашли Давтош марганец руда кони, — дейди “Alpha mining group Asia” масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Феруз Холиқов. — Жамиятимизнинг асосий фаолияти кондаги қазилма ишларини бажариб, шу ернинг ўзида махсус техникалар орқали саралаб олишдан иборат.

# ЧИРОҚЧИДА ЯНГИ КОН ЎЗЛАШТИРИЛДИ



Шундан сўнг Яккабоғ туманидаги омборга олиб борилди. У ерда қайта ишланиб, қадоқланган ҳолда тайёр махсулот сифатида “Ўзбекистон металлургия комбинати”га етказиб берилди. Комбинат ишлаб чиқариш режасига кўра буюртма беради. Биз шунга қараб махсулот билан таъминлаймиз. Ҳозир ойига 3 минг тонна махсулот етказиб берилмоқда. Қўшимча керак бўлса, янада кўп ишлаб

чиқариш мумкин. Айни пайтда жамиятимизда 60 га яқин кишининг бандлиги таъминланган. Уларнинг асосий қисми маҳаллий аҳоли вакиллари. Ишчилар учун барча имконият яратилган. Хусусан, овқатланиш, дам олиш учун шaroит қилинган, ётоқхона билан етарли даражада таъминланган. Иш жараёнида деярли тўлиқ техника ёрдамидан фойдаланилади.

билан таъминланишига қулайликлар яратилди.

Чироқчи тумани ҳоқимлиги маълумотига кўра, жорий йилда “Alpha mining group Asia” масъулияти чекланган жамиятининг хорижий раҳбари билан учрашув ўтказилган. Унда ҳамкорлар асосан Давтош марганец кони агрофида кондан чиққан тоғ жинсларини ташлаш ҳамда кон яқинида кичик шаҳарча қуриш учун ер майдони ажратилиши таклифини билдирган.

Шунингдек, россиялик инвестор Давтош марганец конида марганец рудасини қайта ишлаш учун 12 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилиш таклифини айтган. Натижада 100 та янги иш ўрни очилди, маҳаллий аҳоли жалб этилиши кўзда тутилган. Музокаралар давомида туман ҳоқимлиги ва хорижий инвестор ўртасида шартнома имзоланган.

Инвестор ташаббуси билан ташкил этиладиган кичик шаҳарчада аҳоли учун барча шaroит яратилиши белгиланган. Жумладан, мактабга таълим ташкилоти ва мактаб ҳамда интенсив технологиялар асосида 5 гектар майдонда бог ташкил этилади. Албатта, бу ишлар натижасида аҳоли турмуши фаровонлашиб, янги иш ўринлари очилади. Худуд ободлигига катта эътибор қаратилиб, инфраструктура яхшиланади.

**Ақбар РАҲМОНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири





### Ватанпарварлик руҳи

# МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ПОЛИГОНИ

**Олимжон ҶАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ватанпарварлик тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар ва ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Инсоният тамаддунига бешик бўлган она юртимиз янги даврга қадам қўйди. У жаҳонда янги Ўзбекистон номи билан қайта буй кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мард ва олимжон халқимиз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда юксак марраларни кўзлаб, янгида янги ютуқларга эришмоқда. Узининг муқаддас қасамёдига ҳамиша содиқ, хизмат бурчини шараф билан адо этаётган баҳодир ўғлонларимиз ҳам улуг аждодлар анъанасини давом эттирган ҳолда халқимиз орзу-умидларини рўёбга чиқариш, юртимиз раванки, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимиз тинчлигини ҳимоя қилиш йўлида собитқадамдир.

Бугун дунёда кечаётган ҳарбий-сиёсий вазият, турли кўринишдаги таҳдидлар фондида содир бўлаётган тенденциялар энг қимматли бойлигимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва тотувликни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш нақадар муҳим эканини яна бир бор аниқламоқда. Зотан, ён-атрофимизда рўй бераётган вазиятни чуқур таҳлил қилган ҳолда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматчиларнинг мил-

Бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори ҳамда шу йил 12 январь куни Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида маънавий-маърифий ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш юзасидан белгилаб берилган муҳим вазифа-лар асосида Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маданият департаменти ташкил этилди.



Бу муҳим воқеа Мудофаа вазирлигида ҳарбий маданият ва санъат йўналишини такомиллаштириш, қўллаб-қувватлаш, маънавият ва маданият марказлари, ҳарбий оркестрлар, кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарали бошқаришда янги амалий қадам бўлди.

Маънавият ва маданият департаменти янги таркибий-штат тузилишида ташкил этилиб, унга Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли, Алоҳида кўргазмали-намунали ҳарбий оркестр, Қуролли Кучлар давлат музейи, "Турон" ҳарбий театри бўйсундирилди. Шунингдек, жойлардаги 5 та гарнизон маънавият ва маърифат марказлари, 16 та ҳарбий оркестр ҳамда 56 та ҳарбий қисмининг маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам департаментга юклатилди. Ушбу тизим жорий этилиши натижасида вазирлиқнинг олдин тартиқ бўлган ҳарбий маданият ва санъат бўлимлари ягона мақсад йўлида бир масканда бирлаштирилди.

Қисқа муддатда барча шарт-шароитга эга, замонавий департамент биносининг қуриб битказилиши ва фойдаланишга топширилиши юртимизда Қуролли Кучлар тизимини

**Отабек ҲАСАНОВ,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари:

— Дунёда турли қарама-қаршилик, зиддиятлар тобора орта бораётган бир пайтда инсон қалби, ёш авлод онги учун кураш ҳам сезиларли даражада кучайди, ахборот хуружи авж олди. Президентимиз таъкидлаганидек, "Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоясини бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур". Шу боис, бу даргоҳдаги медиа имкониятларидан ёшларнинг мафқуравий таҳдид ва ахборот хуружига қарши имунитетини шакллантириш, медиамақонда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги миллий контентларни кўпайтиришда самарали фойдаланиш жуда муҳим деб ўйлайман.

маънавий-маърифий ҳамда маданий ишларга қаратилган юксак эътиборнинг ёрқин намунасида.

Мудофаа вазирлиги маънавият ва маданият департаменти биносининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси масъулари, Мудофаа, Маданият вазирликлари раҳбарияти, давлат ва жамоат ташкилотлари, маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, Мудофаа вазирлиги хузуридаги



**Ёдгор САЪДИЕВ,**  
Ўзбекистон Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти:

— Ушбу мажмуада фаолият юритаётган, мамлакатимизда ягона бўлган "Турон" ҳарбий театри фаолиятига тўхталмоқчиман. Ижодий жамоадаги актёрлар маҳорати ва улар саҳнага олиб чиқаётган мавзулар кўламини кенглиши ҳамда ёш авлоднинг ватанпарварлик ғояси билан тарбиялашга хизмат қилиши эътиборга молик. Бу театр ўз саҳна асарларини юртимизнинг олис ҳудудига жойлашган ҳарбий қисмларда, ўша ердаги аҳолига ҳам намойиш этиб келмоқда. Бугун театр учун яратилган замонавий имкониятларни кўриб, очинг, жуда хурсанд бўлдим ва Ўзбекистон Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган "Адолат фасли" спектакли томошасини ушбу саҳнада ҳам намойиш этишни ният қилдик. Бугун театрларимизда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида 20 дан зиёд саҳна асари саҳналаштирилиб, мунтазам намойиш этилмоқда. Хусусан, "Адолат фасли", "Жалолдин Мангуберди", "Офицерлар", "Содоқат", "Бурч", "Мангу жасорат", "Баҳодир", "Чегарачи" каби спектакллар томошабинларнинг севимли асарига айланган.

**Шухрат ХАЛМУХАМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-майор:

— Мамлакатимиз мудофаа қўбилитини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш йўлида катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар ҳарбий хизматчилар ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий савияси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш каби эзгу мақсадларни қамраб олгани билан диққатга сазовор. Ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлигини ошириш ва миллий ҳамда жанговар анъаналаримиз орқали ҳақиқий ватан ҳимоячиси этиб тарбиялашда маданият ва санъатнинг ўрни беқиёс. Зеро, Қуролли Кучлар мамлакат чегараларини ҳимоя қилса, маданият инсон қалби ва онини асрайди. Ҳарбий атамашуносликда ПОЛИГОН деган тушунча бор. Полигонда ҳарбийлар жанговар шайлиқни ошириш мақсадида мунтазам ўқув-амалий машғулотлар ўтказиши. Мазкур мажмуа ҳарбий хизматчилар, жумладан, ёшларимизнинг маънавий-маърифий, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, маданият, санъатга қизиқишнинг рағбатлантиришга хизмат қилади. Шу маънода, мажмуани Мудофаа вазирлигининг маънавий юксалиш полигони, десак муболага бўлмайди.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари, фахрийлар ва ёшлар иштирок этди.

Дастлаб меҳмонлар департаментнинг янги биносида фаолият бошлаган Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли, алоҳида кўргазмали-намунали ҳарбий оркестр, "Турон" ҳарбий театри, шунингдек, ахборот ва оммавий коммуникациялар департаментининг ахборот-медиа бошқармаси, "Ватанпарвар" бирлашган таҳририяти, электрон оммавий ахборот воситалари ва веб-ресурслар билан ишлаш бўлимларига яратилган шароит билан яқиндан танишди.

фойдаланиш учун ҳам барча зарур шароит яратилган.

Бугун ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти томонидан ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида давлат ва нодавлат телеканаллар билан ҳамкорликда "Ўзбекистон армияси", "Ватанпарвар", "Армия спорти", "Мен ҳарбий бўламан" кўрсатувлари, информацион дастурлар учун хабар ва лавҳалар, шунингдек, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган, буюк аждодлар ва миллий қаҳрамонлар ҳақидаги видеороликлар ва видеоклиплар тайёрланиб, эфирга узатишмоқда.

Ҳарбий маданият ва санъат бўлимлари узоқ йиллар ўз биноси ҳамда зарур инфра-тузилмага эга бўлмаган шароитда фаолият юритиб келган. Табиийки, бу ҳолат уларнинг фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатган. Энди дунё таърибига ва замонавий инфратузилмалар асосида бунёд этилган ушбу муассаса нафақат ҳарбий хизматчилар, балки бутун халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавияти, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, маданият ва санъатга қизиқишнинг рағбатлантириш билан бирга маданий ҳордиқ чиқаришнинг таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу муҳташам бинода ватанпарварлик руҳи ақс этган янги форматдаги маданий-маърифий тадбирлар, адабий учрашувлар, ижодий кечалар, шoir ва адибларнинг билан давра суҳбатлари, концерт ва юқори савияда саҳналаштирилган спектакллар, кинофильмлар тақдимоти мунтазам ўтказилади.

Тантанали очилиш маросимига бағишланган йиғилиш Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида "Ҳарбий хизматчиларда юксак ватанпар-

**Шухрат РИЗАЕВ,**  
Кинематография агентлиги директори:

— Демократия жамиятда ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашилади. Шу маънода, миллий ғояни тарғиб қилиш, мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларга ватанпарварлик туйғусини янада чуқур синдириш бўйича қатор таклифлар ишлаб чиққанмиз. Улардан бири "Миллий қаҳрамон" образини яратишдир. Бу образ тарихий шахсларимиз тимсоли асосида яратилди. Унда замонавийлик ва миллий қўрилиш йўналиши ҳамда ғайритабиий имкониятлар акс этирилади. Миллий қаҳрамонлар учун махсус сценарийлар ёзилиб, кинофильмлар, мультфильм ҳамда сериаллар тайёрланади ва доимий тарғиботи ташкил этилади. Зеро, дунёда ватан тинчлиги, ватан тараққиётини ҳарбий хизматчи ва ижодкордан кўра чуқурак ҳис қиладиган бошқа касб ва соҳа вакиллари камдан кам топилади. Чунки ҳаммамиз — ижод аҳли ҳам, ҳарбий хизматчилар ҳам ҳаётимизни шу юрт тинчлиги, мустақиллиги ва фаровонлиги, фарзандлар келажига бағишлаганимиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз. Ушбу масканнинг ташкил этилгани бизга қанчадан қанча имконият очиб беради. Янги-янги истеъдодлар кашф этилади. Адашган, иккиланиб юрган ёшларни тўғри йўлга бошлайди бу маскан. Мен бунга ишонаман.

студияси" павильони, замонавий овоз ёиш студияси ва телемонтаж хоналари катта таас-сурот қолдирди.

Анжуманлар зали универсал бўлиб, унда нафақат анжуманлар ёки маънавий-маърифий тадбирлар, балки жонли ижродаги концерт дастурлари ва театр томошалари намойиш этиш, кинозал сифатида

варлик, юртга фидойилик сифатларини юксалтиришда маданият ва санъатнинг ўрни" мавзусидаги илмий-амалий конференция билан давом этди.

\*\*\*

Тадбирнинг бадиий қисмида Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамблининг ватанини, ҳарбий хизматини шарафловчи куй-қўшиқлари, марказий ҳарбий оркестрнинг жанговар маршлари, "Турон" ҳарбий театри ва ҳарбий хизматчилар томонидан театрлаштирилган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Айниқса, "Турон" ҳарбий театри жамоаси томонидан юқори савияда тайёрланган, саҳнага олиб чиқилган "Ўзбек келатир" шеърини композицияси даврга ўзгача шуккуҳ бахш этди. Ҳарбий хизматчилар тайёрлаган "Жадидлар — миллатимиз фидойилари" саҳна чикишлари ҳам барчага манзур бўлди. Тадбир сўнгида тинчлигимиз ва оёсий-шангалимизнинг, чегараларимиз дахлсизлигини мустаҳкам қалқони бўлган, ана ватан ҳимоясига ҳамиша тайёр турган мард ва фидойий ҳарбий хизматчилар, қадамдан ўт қақ-найидан баҳодир ўғлонларимизга омонлик тиланди.

**Хайридин СУЛТОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси:

— Бу муҳташам қошона мард ва жасур халқимиз тарихи, қаҳрамонлигини ўзида мужас-сам этган "Ғалаба боғи", "Қаҳрамонлар номи барҳаёт" ёдгорлик мажмуалари ва "Шон-шарф" давлат музейига туташ ҳудудда барпо этилган чуқур рамзий маънога эга. Аждодларимиз, ота-боболаримиз жангларда кўрсатган беқиёс жасорат юртдошларимиз, авваламбор, навқирон ёшларимизнинг ватани муҳаббат ва садоқат туйғусини янада юксалтиради, санъ-аткор дўстларимизга юксак ижодий руҳ, янги илҳом бахш этади деб умид қиламиз. Айниқса, ушбу қошонанинг Олмасор туманида барпо этилган муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз маънавият ва маърифат марказлари, ашула ва рақс ансамбли, алоҳида кўргазмали-намунали ҳарбий оркестр, Қуролли Кучлар давлат музейи, "Турон" ҳарбий театри бўйсундирилди. Шунингдек, жойлардаги 5 та гарнизон маънавият ва маърифат марказлари, 16 та ҳарбий оркестр ҳамда 56 та ҳарбий қисмининг маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам департаментга юклатилди. Ушбу тизим жорий этилиши натижасида вазирлиқнинг олдин тартиқ бўлган ҳарбий маданият ва санъат бўлимлари ягона мақсад йўлида бир масканда бирлаштирилди.

лий ва жанговар руҳини янада ошириш, ахлоқий-руҳий тайёргарлигини мустаҳкамлаш долзарб вазифамиз, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Кейинги йилларда "Халқ ва армия — бир тану бир жондир" деган эзгу ғоя асосида Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ислохотлар натижасида миллий армиямиз сафарларида хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланмоқда.

**Ватанпарварлик сўз билан эмас, амалий ҳаракатлар билан кўрсатилган, аниқ мақсад йўлида кучайтирилган, таҳдидларга қарши туришда энг қудратли куч сифатида майдонга чиққан.**

Буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур жангларда энгилмас саркарда сифатида тарих саҳнасида намойён бўлиши замирида ҳам ҳарбий-ватанпарварлик ва аскарлар руҳиятига қаратилган катта эътибор, руҳий тарбия турган.

Бугунги халқаро вазият, турли таҳдидлар юрт посбонлари олдига янгича талабларни ҳам қўймоқда. Юксак маънавият, замон билан ҳамоҳанг фикр юритадиган, кенг дунёқараш соҳиб бўлган ҳарбий кўшикларида кучини, жанговар техникаси ва қуролли бошқарилган қараганда самарали қўллаи олади. Чунки ҳозир дунёда инсоният онгу та-факкурини эгаллаш учун уруш бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шу боис, муқаддас ватанини ҳимоя қилиш шарафли бурч экани, биринчи навбатда, ёшларнинг қалбу шуурига синдирилмоқда. Зеро, глобаллашув, манфатлар тўқнашуви яққол намойён бўлаётган аини дамда аждодларимиз қолдирган муқаддас мерос ёш авлодга намуна сифатида ватанининг садоқатли ҳимоячиси, халқнинг муносиб фарзанди бўлиб етишишда муҳим ўрин тутди. Мана шундай улкан маънавий бойлик, ўтмишдаги ақчқ сабоқлар, мустақиллик учун мардонлар босиб ўтилган шонли йўл бугун гуллаб-яшнаётган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли ва буюк ўзбек халқи қураётган қудратли мамлакатнинг асосини ташкил этади. Президентимиз доимо ҳарбий-жанговар қудрат ва юксак маънавий салоҳият Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айлишини зарурлигини таъкидлаб келиши бежиз эмас.



**Озодбек НАЗАРБЕКОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси маданият вазири:

— Янги Ўзбекистон Қуролли Кучлари қиёфасини шакллантиришда "Халқ ва армия — бир тану бир жондир" деган эзгу анъанани давом эттириш, айниқса, ижодкорлар ва ҳарбий хизматчилар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилиш, ёш авлоднинг ҳарбий хизмат ва шарафли бурчга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида она юртга муҳаббат, мардлик ва жасорат туйғуларини юксалтириш, бу борада самарали тарғиб-бот ишларини олиб боришда маданият ва санъат аҳли, ёзувчи ва шoirлар, драматург ва режиссёрларимизнинг ҳамкорлиги ни-ҳоятда муҳим.

Мудофаа ва Маданият вазирликлари ҳамкорликда ҳарбий хизматчилар ва ёшларда ватанпарварлик руҳини кучайтириш, жамиятда миллий армиямизга нисбатан фахр-ифтихор туйғуларини юксалтириш мақсадида қатор маданий-маърифий тад-бирлар ва лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Мана икки йилдирки, аҳоли ва ёшларни ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган "Ватан манзумаси" адабий-маърифий кечалари пойтахтимиз ва юртимизнинг барча ҳудудига ўтказиб келин-моқда. Бу йилги тадбирларда 20 мингга яқин киши, жумладан, ёшлар, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Шунингдек, қатор вазирлик ва идоралар билан биргаликда "Ватанпарварлик руҳидаги энг яхши видеоролик", "Ватанпарварлик руҳидаги энг яхши кўшиқ" ҳамда "Ватанини мадҳ этувчи энг яхши шеър" танловини ўтказиш юзаси-дан қўшма лойиҳани амалга оширишга киришилди.

Айни кунларда "Мардлар қўриқлайди Ватанини!" ҳарбий-ватанпарварлик кўшиқлари кўрик-танлову ўтказил-моқда. Мазкур танлов орқали ёш авлод-да миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини юксалтиришга қаратилган янги қўшиқлар яратиш ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида ижод қилиб келаётганларни рағбатлантириш мақсад қилинган.

Айниқса, ҳарбий ижодкорларнинг дав-лат тадбирлари, турли маданий ва кўн-гилочар томошалардаги фолд иштироки ёшларда ватанга муҳаббат, юртга садоқат, Қуролли Кучлардан фахрланиш туйғуси жўш уриши ва унинг сафарларида хизмат қилиш истаги кучайиб боришига туртки бўлаётганини алоҳида таъкидлашни истар-дим. Янги ишлохотда яратилган замонавий имкониятлар эса бу эзгу ва хайрли ишнинг янада кенг қулоқ ейтишида дастуруламал бўлишига ишонаман.



Саломатлик сабоғи



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳафтасига 150 дақиқа ўртача интенсивликдаги жисмоний фаоллик билан шугулланишни тавсия қилмоқда. Ёки 75 дақиқали кучли жисмоний фаоллик ҳам бунинг ўрнини боса олади. Акс ҳолда, камҳаракатлилик инфаркт, инсульт, қандли диабетнинг иккинчи тури, кўкрак ва йўғон ичак саратони каби касалликлар ривожланиш хавфини оширади.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА ТИББИЙ МАДАНИЯТ ОРҚАЛИ ЭРИШИШ МУМКИН

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг шу йил 20 ноябрдаги йиғилишида ўртача умр даражасини 78 ёшгача етказиш учун бирламчи тиббий хизматларнинг сифатини ошириш зарурлигини қайд этди. Шунингдек, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш каби масалалар бўйича ҳукумат алоҳида дастурлар ишлаб чиқиши лозимлигини таъкидлади. Касалликларнинг олдини олиш, гиподинамия — камҳаракатлиликка қарши оммавий курашиш, аҳоли, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш саломатлик ва узоқ умр кўришнинг муҳим омилларидан. Тошкент тиббиёт академияси болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор Низом ЭРМАТОВ билан суҳбатимиз аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, номуаносиб овқатланиш билан боғлиқ кўпгина касалликларнинг олдини олиш, ортиқча тана вазн ва асоратлари натижасида юзага келадиган муаммоларга барҳам бериш ҳақида бўлди.



рунги ёғли овқатлар, шакар, олий навли ун маҳсулотлари истеъмолини камайтирса, ортиқча вазн безовта қилмайди. Бунни уйдalasа бўлади. Организмнинг ҳам ёш, саломатлик ҳолати, иш шароитига боғлиқ барча талаблари мавжуд. Фақат унга риоя қилиш керак, холос. Семизлик хавфини камайтиришга боланинг она қорнидаги даврдан турилганининг илк йилларигача профилактика чораларини кўриш орқали эришиш мумкин. Масалан, ҳомиладорлик даврида вазн йиғиш меъёрига амал қилиш, болани 6 ойгача фақат она сути билан озиқлантириш ва бу жараёни имкон қадар 2 ёш ёки ундан кўпроққа чўзиш, фарзандни тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, яхши ухлашга одатлантириш, таркибда шакар бўлган, юқори калорияли маҳсулотлар истеъмолини камайтириш шарт.



— Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бугуннинг асосий ва долзарб масалаларидан, — дейди Низом Эрматов. — Мазкур йўналишни ривожлантириш аҳоли орасида касаллидан ва ўлим, биринчи ўринда, сурункали юқумсиз хасталикларга чалиниши кўрсаткичининг тизимли пасайишига хизмат қилади.

Қилмаслик билан боғлиқ, тадқиқотларимизда мактаб ўқувчиларининг деярли 30 фоизи нонушта қилмаслиги маълум бўлган. Бу ҳали улар орасида шакланмаган, қачондир юзага чиқадиган ортиқча вазн муаммосига шароит яратди. Вақти келди,

аввало, ҳаёт сифати ошади. Стрессларни бартараф этади. Организм ҳолатини яхшилаб, умр давомийлигини узайтиради. Технологик тараққиёт, механизациялашган жараёнлар, қўл меҳнати ва ҳаракат камийгани ортиқча вазн муаммосини келтириб чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида, гипертония, юрак-қон томир касалликлари, қандли диабет ва бошқа хасталикларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Инсоннинг жисмоний ҳолати саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим жиҳатидир. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада эътиборга молик ишлар бажарилаётди. Аммо аҳолининг катта қисми жисмоний тарбиянинг инсон саломатлигини ҳақиятини чуқур англаб етгани йўқ. Аксарият оилалар оддий эрталлабки бадантарбия билан шугулланмайди. Кўп қаватли уйларида яшаётган юртдошларимиз кўпроқ лифддан фойдаланишга мойил. Йёв юриш мумкин бўлган кичик масофага ҳам машинада бориш урфга кирди. Азаллий анъаналаримиз —

инфаркт, инсульт, қандли диабетнинг иккинчи тури, кўкрак ва йўғон ичак саратони каби касалликлар ривожланиш хавфини оширади. Бугун аҳоли яшайдиган жойларда, йирик шаҳарларда югуриш, велосипед йўлақчалари, дам олиш жойлари кенгайтирилмоқда. Лекин жисмоний тарбия билан шугулланаётган аҳолини кам учратасиз. Бу эса

Бугун метаболик синдром, юрак-қон томир тизими касалликлари, қандли диабет, жигар, буйрак касалликлари, ортиқча вазн бўйича жуда ҳам кўп тарғибот қилиняпти. Бу исталган оздирувчи воситалардан фойдаланиш керак, дегани эмас. Айни пайтда аҳоли орасида тиббий билимларни шакллантириш энг самарали усулдир. Билми бор инсон малакали шифокор билан сохта мутахассисни фарқлай олади ва ўйлайманки, унга турли “оздирувчи” марказлар керак бўлмайди.



бола 30-35 ёшга етганида ортиқча вазн тўплай бошлайди. Бугун семизлик муаммоси мактаб ўқувчилари орасида ҳам учрамоқда. Ҳозирги технологик жараёнларда тегирмондан ўтаётган ун таркибидagi фойдали хусусиятлар, витамин ва минераллар тўла сақланмайди. Шу боис, мамлакатимизда витамин ва минераллар билан бойитилган ун истеъмоли тавсия қилинган. Ортиқча вазнга яна бир сабаб — гиподинамия, яъни ҳаракатнинг камийиши. Абу Али ибн Сино “Ҳаракатдаги инсон даволанишга муҳтож эмас”, деган эди. Ҳаракат нима беради? Энг

Инсоннинг жисмоний ҳолати саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим жиҳатидир. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада эътиборга молик ишлар бажарилаётди. Аммо аҳолининг катта қисми жисмоний тарбиянинг инсон саломатлигини ҳақиятини чуқур англаб етгани йўқ. Аксарият оилалар оддий эрталлабки бадантарбия билан шугулланмайди. Кўп қаватли уйларида яшаётган юртдошларимиз кўпроқ лифддан фойдаланишга мойил. Йёв юриш мумкин бўлган кичик масофага ҳам машинада бориш урфга кирди. Азаллий анъаналаримиз —



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ота-она, қариндош-уруғ, яқинларимиздан тез-тез хабар олиб туриш ўрнига телефон орқали сўрашиб қўя қоламиз. Бу ҳам қайсибир маънода ҳаракатни чеклайди, руҳий ва жисмоний саломатликка салбий таъсир кўрсатади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳафтасига 150 дақиқа ўртача интенсивликдаги жисмоний фаоллик билан шугулланишни тавсия қилмоқда. Ёки 75 дақиқали кучли жисмоний фаоллик ҳам бунинг ўрнини боса олади. Акс ҳолда, камҳаракатлилик

инсоннинг саломатлигига муносабати ва умуман, жамият маданияти даражасини белгилайди. Ҳолбуки, одамлар саломатлиги ҳақида қайғуриш, уни сақлаб қолтириш ва мустаҳкамлаш ҳақида ўйлайдиган давр келди. Зеро, ҳаёт сифати ва давомийлиги инсоннинг яшаш тарзига — жисмоний фаоллик, овқатланиш маданияти ва руҳий-ҳиссий ҳолатига боғлиқ эканини чуқур англаш лозим. Эрталлабки бадантарбия, мунтазам спорт билан шугулланиш вужуд баркамоллиги учун зарур юклардир. Яна бир муаммо бу — кам ухлаш. Уяли телефондан тартибсиз фойдаланиш, турли кераксиз сериаллар ва бошқа медиамаҳсулотларни кўриш натижасида асаб руҳан зўриқиши мумкин. Бу вазнини ошишига олиб келади. — Муаммонинг ечими нимада? — Ортиқча вазн муаммосининг ечими фақат соғлом турмуш тарзига риоя этишда. Биз, шифокорлар инсон саломатлиги учун масъул эмас, балки сабабчимиз. Масъул — ҳар бир инсоннинг ўзи. Агар у тўғри овқатланиш талабларига риоя қилса, кечку-

— Ижтимоий тармоқларда оздиривчи воситалари ва диетологлар рекламиси авж олган. Уларга ишонч билдираётганлар сони ҳам кам эмас. Нима учун аҳоли профессионал мутахассисларга эмас, маълумоти номаълум ёки сохта диетологларга ишонади ва мурожаат қилмоқда? — Ўзининг саломатлиги учун қайғурадиган ҳар бир инсон бу ҳақда зарур билим ва кўникмаларга эга, яъни тиббий маданияти шаклланган бўлиши шарт. Тиббий билим инсонга ўз организмни ўрганиш, соғлом турмуш тарзи тамойилларини ҳаётга таъбиқ этиш, танасида кечаётган ўзгаришларни таҳлил қилиш ва тегишли чоралар кўриш имконини беради. Соғлиқ борасида билими юқори мутахассислар билан кенгашади. Эҳтимол, ўзида тушунча бўлмагани учун ҳар хил “диетолог”ларга чув тушаётгандир.

— Соҳа олдида турган муаммолар нимадан иборат? — Бугун барча тиббиёт институтлари ва филиалларида тиббий профилактика йўналиши, овқатланиш гигиенаси, нутрициология мутахассислари тайёрланмоқда. Улар томонидан соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш борасида тарғибот ишлари бажариляпти. Бу жараёнда таъсирчанлиги юқори янги технологияларни қўллашмиз керак. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини баҳолаш бўйича айрим лабораторияларимизда етишмовчиликлар кузатилади. Булар катта муаммоларни юзага келтирмаса-да, ечим талаб этади. Аҳолига соғлом турмуш тарзи бўйича кўникмаларини етарлича етказиб бера олмаямиз. Бирламчи қатлам, яъни маҳаллалар, мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб ва олий ўқув юртлари, турли ташкилотларда тарғиботни кучайтириш керак. Ана шу жиҳатдан оқсаямиз. Ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўзининг саломатлигига ўзи масъуллигини чуқур англаб етиши лозим.

Лекин аҳолининг умр давомийлиги йилдан йилга яхшиланиб бораётгани ҳам инкор қила олмаймиз. Бу тизимдаги ишлар самара бераётганини билдиради. Биз бугун турли касалликларнинг олдини олиш ҳақида бонч уряямиз. Энг асосий режими ҳам аҳолининг саломатлигини ҳимоялаш ва мустаҳкамлаш, бу борадаги муаммоларга самарали ечим топишдир. Унутмаслик керак, ортиқча вазн, семизлик, метаболик синдром, юрак-қон томир хасталиклари, онкологик ва бошқа касалликлар профилактикаси овқатланиш билан боғлиқ. Ана шу тушунчанинг моҳиятини тушуниб, касалликларнинг олдини олиш борасидаги қатор муаммоларнинг янги ечимлари, янги таълим технологияларини амалга ошириш бугун олдимизда турган муҳим вазифалардан.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 4448. 39932 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда. “Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Хуршид Абдуллоев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй